

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши йиғилиш

БАЁНИ

Тошкент шаҳри

№ 2

2022 йил 4 март

Йиғилишга раислик қилди: Лутфулла Мухаммадназаров, *Кенгаш раиси*

Иштирок этдилар: Шухрат Суюнов- *Кенгаш раиси ўринбосари*
Жамоатчилик кенгаши аъзолари (рўйхат
бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Ш.Р.Хамраевга Жамоатчилик кенгаши раиси номидан тайёрланган таклифларни муҳокама қилиш.

2. Жамоатчилик кенгаши фаолиятига дахлдор масалалар.

Йиғилишни Жамоатчилик кенгаши раиси Л.Мухаммадназаров кириш сўз билан очди. Сув хўжалиги соҳасини рақамлаштириш бўйича тизимда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлиги, бироқ олдинги йилларда ўрнатилган рақамли қурилмалар қандай ишлаётганлиги жиддий таҳлил қилиб кўрилмаганлигини таъкидлади. Айрим жойларда “Мендан кетгунча, эгасига етгунча” қабилида ишлар бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Сув хўжалиги тизимига киритилаётган барча рақамли инновацион технологияларни ишлатиш, улардан фойдаланиш ва ёш мутахассисларга тушунтириш, ўргатиш учун юқори малакали мутахассислар керак бўлмокда. Шу касба ишлаётганларни моддий рағбатлантириш масаласини ҳам ўйлаб кўриш зарур.

Сув тежовчи технологиялар жорий этилган майдонларда экинларни суғориш режимини ишлаб чиқиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини йирик лойиҳа-институтилари томонидан тайёрлаш ишларини муҳокама қилиш, янги тартиблар жорий этиш масаласи ҳам бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Йиғилишда кенгаш раиси ўринбосари Ш.Суюнов сўзга чиқиб, билдирилган таклифлар жуда ўринли ва асосли эканлигини эътироф этди. Уларни пишитган ҳолда вазирлик раҳбариятига киритишни таклиф этди.

Кенгаш аъзолари Х.Лапасов, Р.Шаропов, М.Икромов, Т.Долиев сўзга чиқиб, ўз таклифларини билдирдилар.

Йиғилиш қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраевга жамоатчилик кенгаши раиси номидан киритилаётган таклифлар маъқуллансин.

2. Кенгаш аъзолари иш режасида белгиланган вазифалар ижросини ўз муддатларида бажарилишини таъминласин.

Йиғилиш баённомасини

расмийлаштирди:

Кенгаш котиби:



А.Ҳайитов

